

ХИТОЙ – ФОРС КЎРФАЗИ АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ
МУНОСАБАТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336425>

Арипов Шавкат

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Араб филологияси” кафедраси доценти в.б.

Аннотация: Ушбу мақола Форс кўрфазидаги араб мамлакатларининг Хитой Халқ Республикаси билан алоқаларига доир маълумоларни таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, минтақадаги алоҳида глобал муаммоларни келиб чиқиши ва Осиё қитъасидаги мамлакатларнинг ўзаро савдо иқтисодий ҳамкорлигини жаҳон мамлакатларга ҳам таъсирини кўрсатиши илмий асосда ўрганилган. Келтирилган далиллар аниқ манбалар асосида мамлакатлар ўртасидаги савдо иқтисодий алоқаларнинг ривожланишини кейинги истиқболларини белгилашга ҳам хизмат қилади. Муаллиф араб мамлакатларининг Осиё қитъасида тутган мавқеи ҳамда Хитойнинг аҳоли ва ҳудудий жиҳатдан имкониятларини таҳлил қилар экан улар ўртасидаги дўстона ҳамкорлик алоқалари минтақадаги бошқа мамлакатлар, айниқса улар ўртасида транспорт-коммуникацияни таъминловчи мамлакатлар иқтисодиётига ижобий таъсир этиши мумкинлигини келтириб ўтади.

Калит сўз ва иборалар: Форс кўрфази; араб мамлакатлари; Хитой Халқ Республикаси; глобал муаммолар; Осиё; савдо иқтисодий ҳамкорли; транспорт-коммуникация.

Аннотация: Данная статья посвящена анализу данных об отношениях арабских стран Персидского залива с Китайской Народной Республикой и была изучена на научной основе на предмет происхождения отдельных глобальных проблем в регионе и влияния взаимного торгово-экономического сотрудничества стран Азиатского континента на страны мира, а также. Представленные доказательства также служат для определения дальнейших перспектив развития торгово-экономических отношений между странами на основе конкретных источников. Анализируя положение арабских стран на азиатском континенте, а также возможности Китая с точки зрения численности населения и территории, автор предполагает, что дружественное сотрудничество между ними может оказать положительное влияние на экономику других стран региона, особенно тех, которые обеспечивают транспорт и связь между ними.

Ключевые слова и фразы: Персидский залив; арабские страны; Китайская Народная Республика; глобальные проблемы; Азия; торгово-экономический партнерства; транспорт и связь.

Abstract: This article is devoted to the analysis of data on the relations of the Arab countries of the Persian Gulf with the People's Republic of China and has been studied on a scientific basis for the origin of certain global problems in the region and the impact of mutual trade and economic cooperation of the countries of the Asian continent on the countries of the world, as well. The presented evidence also serves to determine the future prospects for the development of trade and economic relations between the countries based on specific sources. Analyzing the situation of Arab countries on the Asian continent, as well as China's capabilities in terms of population and territory, the author suggests that friendly cooperation between them can have a positive impact on the economy of other countries in the region, especially those that provide transport and communication between them.

Key words and phrases: Persian Gulf; Arab countries; People's Republic of China; global problems; Asia; trade and economic partnerships; transport and communications.

“Форс кўрфази минтақасида тинчлик ва барқарорлик Яқин Шарқ ва ҳатто бутун дунё хавфсизлиги ва ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга, у янги “қўзғолон манбаи” эмас, балки “хавфсиз воҳа”га айланиши керак” [5:15].

Си Цзиньпин

Хитой – Форс кўрфази араб мамлакатлари муносабатлари тарихи милоддан аввалги даврларга бориб тақалади, ўзаро саёҳатлар тўлқини бошланган ва вақт ўтиши билан оддий савдо алоқаларидан цивилизация, маданий ва билимлар кўпригига кенгайган. Асрлар давомида бу муносабатлар узилмаган. Аксинча, у ҳаётнинг ривожланиши ва бошқа маданиятлар билан танишиш эҳтиёжининг ортиши билан, айниқса ХХI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳар томонлама ривожланди ва гуллаб-яшнади.

Маълумки, Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши 1981 йил 25 майда ташкил этилган [4:12]. Ташкилотнинг асосий мақсади - барча иқтисодий, ижтимоий ва маданий масалаларни мувофиқлаштириш, ҳамкорлик қилиш ва интеграциялашдир. Форс кўрфази ўзининг алоҳида мавқеига кўра уч қитъа ўртасидаги энг йирик алоқа маркази ҳисобланиши, бой ресурсларнинг мавжудлиги ва дунёнинг йирик сув ҳавзалари билан боғлиқлиги бу ҳудудни дунёдаги энг муҳим стратегик минтақалардан бирига айлантирган. Бу сув йўли мазкур ҳудуд давлатлари учун ички ва минтақавий майдонларда ҳам жуда муҳим. Шунга кўра, бу мамлакатлар қўшничилик сиёсатига урғу бериб, ушбу сув ҳудуди минтақада хавфсизлик ва барқарорлик кафолати ҳамда халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тимсоли бўлишига ва бошқалар Форс кўрфази атрофидаги мамлакатлар қўлида тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилишини ҳурмат қилишларини таъкидлаб келадилар [3:48]. Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши ташкил этилганидан бери Хитой Халқ Республикаси у билан жиддий алоқаларни ўрнатди ва икки томон ўртасидаги дўстона алмашинувлар кескин ривожлана бошлади [5:15].

Сўнги ўн йилликларда Форс кўрфази араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши мамлакатлари ўзларининг турли хил имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш ва ташқи дунёга қарамлик ҳолатини камайтиришга ҳаракат қилиш орқали рўй бераётган ўзгаришларга мослашиш учун қатъий қобилиятни намоён этдилар. Бу контекстда муҳим ўринни Хитой Халқ Республикаси эгаллайди, чунки икки томон ўртасидаги муносабатларда “янги макон”лар яратилиши билан бир вақтда ҳамкорликнинг анъанавий йўналишлари шиддат билан ривожланиб бормоқда [3:148]. Тўғри, бу янги “бўшлиқлар” ҳали ўзининг яқиний шаклига етиб бормаган ва уларнинг кучи ва барқарорлик даражаси ҳали синовдан ўтгани йўқ, лекин уларда баъзи қийинчиликлар мавжудлигини инкор этмасдан, муваффақиятга эришиш учун етарли заҳираларга эга эканлиги маълум бўлиб қолди. Форс кўрфази араб мамлакатларининг Хитой билан муносабатлари, асосан, иқтисодий, тижорий ва молиявий муносабатлар доирасидадир. Гарчи бу муносабатлар узоқ вақтдан бери нефт савдосига қаратилган бўлса-да, сўнги йилларда бу муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўлида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Жумладан, ишлаб чиқариш, денгиз портларини барпо этиш, банк ва молиявий ҳамкорлик каби сифатли соҳаларда ҳам алоқалар мустаҳкамлана борди. Худди шу нуқтаи назардан, икки томон учун долзарб бўлган эркин савдо ҳудуди масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда [5:21]. Аммо, шу билан бирга охириги икки йил давомида бир қатор ўзгаришлар таъсирида икки томон учун муҳим бўлган яна бир масала – минтақавий хавфсизлик масаласи ҳам кун тартибига чиқиб улгурди. Шу ўринда Форс кўрфази араб мамлакатлари ҳамкорлик ташкилоти аъзоларининг Хитой Халқ Республикаси билан дипломатик алоқаларини қачон ўрнатганликлари ҳақидаги маълумотни бериб ўтиш жоиздир. Демак, Кувайт 1971 йилнинг мартида, Оман Султонлиги 1978 йилнинг

май ойида, Бирлашган Араб Амирлиги 1984 йилнинг ноябрида, Қатар 1988 йилнинг июлида, Баҳрайн 1989 йилнинг апрелида ва Саудия Арабистони 1990 йилнинг июль ойида Хитой Халқ Республикаси билан дипломатик алоқаларини ўрнатган [7:45].

Хозирги кунда бу мамлакатлар жаҳон иқтисодиётида ўзига хос жиҳатлари билан ажаралиб туради. Бу ўзига хосликни мазкур давлатларнинг асосий даромад манбалари нефт ва газ соҳаси эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш бу давлатлар иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бундан унумли фойдаланган холда иқтисодиёт соҳаларини модернизациялаш, диверсификация қилиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Хитой ва Форс кўрфази араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши давлатлари ўртасидаги муносабатларга келсак, улар “энди саросимага тушмайдиган” босқичга кирмоқда, дейиш мумкин. Хитой Форс кўрфази араб давлатларини “Бир белбоғ, бир йўл” ташаббусини амалга оширишда табиий ҳамкорлар сифатида кўради. Ўтган йили Хитой Ташқи ишлар вазири Ван И Саудия Арабистони, БАА, Уммон ва Баҳрайнга ташриф буюриб, “Бир белбоғ ва бир йўл”ни ушбу мамлакатларнинг ривожланиш истиқболлари билан уйғунлаштирган эди [5:29]. Шу нуқтаи назардан ва икки томон ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш мақсадида Форс кўрфазидаги 4 давлат, яъни Саудия Арабистони, Қувайт, Уммон, Баҳрайн ташқи ишлар вазирлари ва кўрфаз араб мамлакатлари ҳамкорлик ташкилотининг раиси жорий йилнинг бошида Пекинга ташриф буюриб, Хитойнинг юқори мартабали раҳбарлари билан ўтказган музокараларида асосий эътиборни икки томон ўртасидаги эркин савдо масаласига қаратдилар. Томонлар ўртасидаги муносабатлар деярли эллик йил олдин бошланган, сўнгги икки йил давомида эса Форс кўрфази минтақасида АҚШ мавжудлигининг заифлашиши натижасида томонлар ўртасида ҳарбий масалалар бўйича ҳам жиддий муносабатлар ўрнатила бошланди.

Хитойнинг асосий энергия манбаи сифатида Кўрфаз мамлакатлари иқтисодиётининг нисбий аҳамияти яқин келажакда камайиши кутилмайди. АҚШ Савдо вазирлиги маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб Хитойнинг нефтга бўлган эҳтиёжини қарийб 80 фоизи ташқи бозорларга боғлиқ бўлади, бу эса Форс кўрфази давлатларидан Хитойга нефт экспорти ҳажмини ошириш учун ажойиб имконият яратади [8:46].

Умуман, Яқин Шарқ ва хусусан, Форс кўрфази субминтақаси Хитой учун тобора стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Субминтақа нафақат табиий ресурсларга, биринчи навбатда, энергияга бой ва уларни асосан жадал ривожланаётган нафақат Хитой иқтисодиётига йўналтиришга, балки дунёнинг асосий денгиз ва куруклик йўлларига, шунингдек, Африка ва Европа бозорларига чиқиш йўлларини очади. Ҳозирги вақтда Хитойнинг Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсатининг “оғирлик маркази” Форс кўрфази давлатларининг жаҳон нефт ва газ бозорларида эгаллаган устунлик мавқеи туфайли сезиларли даражада Форс кўрфазига қараб силжиган [10:42]. Ўз навбатида, Кўрфаз араб давлатлари Хитойни узоқ муддатли истиқболда чуқур иқтисодий ҳамкор сифатида кўрадилар ҳамда улар ўз муносабатларини диверсификация қилмоқчи бўлган кўплаб мамлакатлардан бири ҳисобланадилар. Шу билан бирга, энг муҳими, АҚШнинг Форс кўрфази минтақасидаги ролидан воз кечиши Хитойга бўшлиқни ёки унинг бир қисмини тўлдириш ва минтақада ўз таъсири учун мустаҳкам пойдевор яратиш имкониятини берди.

Расман фаоллашган Хитой-Форс кўрфази араб мамлакатлари ҳамкорлик форумида бу муносабатларни сақлаб қолиш истаги яққол кўриниб турибди, унда араб ва хитойлик ишбилармонлар конференцияси ҳар икки йилда бир марта Хитой ва араб мамлакатларида навбатма-навбат ўтказилиши белгиланиб олинди [11:63]. Конференциянинг мақсадлари ҳақида амирлик вакили ал- Маҳмудий шундай деганди: “Хитой-араб ҳамкорлик форумини ташкил этишдан асосий мақсад ҳар доим иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида Хитой-араб муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўлиб

келган ҳамда умумий манфаатларга асосланган араб-хитой ҳамкорлиги ва иқтисодий интеграция концепциясини фаоллаштиришдир”. Ҳақиқатан ҳам ушбу анжуман томонлар учун тажриба алмашишга имкониятлар яратади. Бу Хитой ва араб дунёси ўртасида савдо ва қўшма корхоналар, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва технологиялар трансфери соҳаларида қўшма ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради, шунингдек, араб минтақасида сармоя ва сармоядорлар олдида турган муаммолар бўйича мулоқот ва муҳокамалар олиб боради. Хитойнинг энергия хавфсизлиги кўпинча унинг Форс кўрфази араб давлатлари билан ўсиб бораётган муносабатлари ўртасидаги боғлиқлик сифатида қаралади. Бундан ташқари, Пекин дунёдаги энг йирик хом нефт импортчиси ҳисобланади. Шунингдек, Хитой Форс кўрфази араб мамлакатлари импорт рўйхатидаги муҳим савдо шериги бўлиб, уларга товарлар, маиший техника, ускуналар, саноат ускуналари, эҳтиёт қисмлар ва мудофаа ускуналарини етказиб беради [12:13]. Шу нуқтаи-назардан Хитой Кўрфаз Ҳамкорлик Кенгаши мамлакатлари билан эркин савдо шартномаларини имзолаш учун алоқани тўхтатмайди ва кўп йиллар давомида улар билан юқори даражадаги эркин савдо келишувларига интилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Кўрфаз араб мамлакатлари ва Пекин ўртасидаги савдо ҳажмини ва унинг хилма-хиллигини рағбатлантириш ва ошириш бу мамлакатлар иқтисодиётига катта фойда келтиради ва давлат ҳамда хусусий сектор компаниялари учун инвестициялар ва фойда олиш имкониятларини оширади. Бу Кўрфаз мамлакатлари иқтисодига сезиларли таъсир қилади ва муҳими Хитой товарларини у билан келишувга эга бўлмаган бошқа мамлакатларга реекспорт қилиш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги кунда Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши ташкилоти мамлакатлари Хитой билан 2004 йилдан бери музокаралар олиб борилаётган эркин савдо ҳудуди лойиҳаси бўйича келишувга эришиш эҳтимоли юқори [13:62]. Ўшандан бери бир неча музокаралар бўлиб ўтди. Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши бош қотибининг 2022 йил январ ойида Хитойга ташрифи чоғида ҳар икки томон бу музокараларни имкон қадар тезроқ якунлаш ва икки томон ўртасида эркин савдо ҳудудини имкон қадар тезроқ ташкил этиш муҳимлигини яна бир бор тасдиқладилар. Бундай келишувнинг имзоланиши икки томон ўртасидаги савдо айланмасининг кенгайишига хизмат қилиши шубҳасиз. Хитой ташқи ишлар вазирининг “Ал-Арабия” канали журналистига берган интервьюсида унинг мамлақати Форс кўрфазидаги араб давлатлари билан эркин савдо битими тузишга интилаётганлигини истисно қилмади [9:25]. Саудия Арабистони ва БАА Кўрфаздаги Хитой билан савдо алмашинуви бўйича асосий давлат ҳисобланадилар, чунки Қироллик Хитойга экспорт қилишда етакчилик қилса, БАА Хитойдан импорт қилувчи энг йирик давлатдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва Тараққиёт Конференцияси томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, Хитой ва Форс кўрфази араб давлатлари ўртасидаги ўзаро савдо 2009 йилда 68 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, 190 миллиард АҚШ долларига кўтарилиб, 180 фоизга ўсди. Бу мамлакатлар 111 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилдилар, шундан 80 фоизи нефт ва ёқилғи, 20 фоизи нефт-кимё ва кимё маҳсулотлари, ўз навбатида, улар Хитойдан 79 миллиард долларлик саноат маҳсулотлари, электрон қурилмалар, машиналар, ускуналар, транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар импорт қилдилар [14:13]. Форс кўрфази араб мамлакатларининг Хитойдан импорт қилинадиган кийим-кечак, тўқимачилик ва матолари қиймати 10 миллиард долларни ташкил этди, бу Форс кўрфази мамлакатлари Хитой билан араб савдосининг 66 фоизини ташкил қилади ва Хитойнинг еттинчи йирик савдо шериги ҳисобланади [15:53].

Хитой Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайтида эълон қилинган маълумотларга кўра, Хитой ва Форс кўрфази араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгашининг олти давлати ўртасидаги иқтисодий ва савдо ҳамкорлик ҳажми сўнгги йилларда тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. 2019-йилда Хитой Саудия валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад бин Салмон ва Хитой раҳбари Си

Цзинпин ўртасидаги музокаралар натижасида мамлакатлар ўртасида умумий қиймати 28 миллиард доллар бўлган 12 та қўшма савдо битимини, БАА билан эса иқтисодиёт, нефт ва атроф-муҳит бўйича 16 та шартномани имзолади. Қиймати 11 миллиард долларни ўз ичига олувчи ушбу шартномалар Амирликнинг ЭМААР компаниясига Пекиндаги Дахинг халқаро аэропорти яқинидаги турар-жой ва кўнгилочар ҳудудни ривожлантириш лойиҳаси ҳисобланади [16:56]. Хитой ҳамкорлик кенгашининг яна бир аъзоси Қувайтнинг асосий савдо шериги бўлиб, 2017-йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12 миллиард доллардан ошди. Қувайтда нефт, қурилиш ва инфратузилма соҳаларида 40 га яқин Хитой компаниялари фаолият юритади. Ўз навбатида, Баҳрайн Ташқи ишлар вазири доктор Абдул Латиф бин Рашид Ал Заяни Баҳрайн ва Хитой ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ўсиши Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ва Хитой ўртасидаги умумий тарихий муносабатларда ўз аксини топишини, шунингдек, томонларнинг манфаатдорлиги ҳамда умумий манфаатларга мос келиши нуқтаи назаридан Хитой Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик Кенгаши мамлакатлари учун муҳим стратегик ҳамкор эканлиги, икки томон учун истиқболли ривожланиш имкониятлари юқори эканлиги, улардан фойдаланиш имкониятлари ҳар иккисида ҳам мавжудлиги ва икки томон бунга эришиш учун ҳаракат қилишини таъкидлаб ўтди. Доктор Ал-Заяни “Синхуа” агентлигига берган эксклюзив интервьюсида ҳам қуйидаги фикрларни билдириб ўтди: “Хитой Давлат кенгаши аъзоси ва ташқи ишлар вазири Ван И билан бўлган музокараларимизда, айниқса, Корона вирус пандемиясининг оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, икки томон ўртасидаги савдони либераллаштириш ва енгиллаштириш бўйича келишувга эришиш муҳимлигини таъкидлаб ўтдик [17:92]. Музокараларни келгусида ҳам давом эттирамиз ва барча келишувларни яқунлаш зарурлигини интиқлик билан кутмоқдамиз.” Саудиялик журналист ва Хитой масалалари бўйича эксперт Абдулазиз Ал-Шабани фикрича, Хитой раҳбари Си Цзинпиннинг 2014-йилда кўрфаз давлатлари билан савдо ҳажмини яқин йилларда икки баравар ошириш бўйича айтган фикрларни беҳудага айтмаганини, савдо айирбошлаш ҳажмини икки баравар оширишни давом эттириш бўйича саъй-ҳаракатлар ҳали ҳам қизғин бораётганлиги ва бир вақтнинг ўзида Кўрфазнинг ташқи ишлар вазирларининг Хитойга ташрифи, муболағасиз, Кўрфаз қирғоқларида эркин савдо зоналари имкон қадар тезроқ ёруғлик кўришига олиб келади, бу эса ҳар икки томонга катта фойда келтириши шубҳасиздир. Бу дунёдаги иккинчи энг қудратли иқтисодиёт билан бой ва ривожланган Форс кўрфази давлатлари ўртасидаги иқтисодий ва савдо алмашинувини тезлаштиради [18:32].

Хитой Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайтида эълон қилинган маълумотларга кўра, Хитой ва Кўрфаз араб мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2021 йилнинг биринчи ярмида йиллик ўсиш суръати 35,6 фоизни ташкил этиб, 103,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этди [18:15].

Хитойнинг иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра Форс Кўрфази араб мамлакатларини “Бир белбоғ ва бир йўл” ташаббусига қўшишга бўлган ташаббуслари унинг минтақа ишларидаги иштирокининг сезиларли даражада ошишига олиб келмоқда. Кўрфазнинг икки энг қудратли давлатлари Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари Хитойнинг нафақат Форс Кўрфазидаги, балки Яқин Шарқдаги иқтисодий йўналишининг тамал тоши бўлиб қолади. Хитойнинг “Бир белбоғ, бир йўл” лойиҳасига қўшимча равишда энергия ресурсларини таъминлаш ва стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлари манфаатдор давлатлар билан тўғридан-тўғри рақобат манбаи бўлиб қолади [19:48]. Шунингдек, ҳамкорлик ташкилоти аъзолари Хитой билан сиёсий келишувлар ва қўшма хавфсизлик чоралари истиқболларини ҳам жиддий кўриб чиқишлари мумкин ва айниқса, бу Қўшма Штатларнинг Яқин Шарқда мавжудлигининг заифлашиши соясида тезлашиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Грачиков Е. Н. Стратегия партнерских отношений КНР: практика и концептуализация (1993—2018) // Мировая экономика и международные отношения. 2019. Т. 63, № 3. С. 83—93.
2. Глава МИД КНР Ван И встретился со своим саудовским коллегой Саудом аль-Фейсалом // Russian.news.cn. URL: http://russian.news.cn/china/2014-09/27/c_133676654.htm.
3. Фан Тинтин. Энергетическое сотрудничество между Китаем и странами Персидского залива // Проблемы Дальнего Востока. 2012. № 1.
4. Тарик Аш-Шейх. Совет сотрудничества и Китай: ради грядущих времен // Аль-Ахрам. Available at: <http://www.ahram.org.eg/NewsQ/227210.aspx>.
5. Савичева Е.М., Бребдани А.М., Рыжов И.В. Китай и страны совета сотрудничества арабских государств Персидского залива: От экономических сделок к стратегическому партнерству // Вестник РУДЕН. 2022, № 1. СС. 180-196.
6. Нефть течёт на Восток: обзор торговых отношений по поставкам нефти между Саудовской Аравией и КНР. Международный Сингапурский экономический форум (16.03.2011)
7. Волович. А. А. Китай на энергетическом рынке Ближнего Востока [Электронный ресурс]. URL: <http://www.iimes.ru/rus/stat/2004/22-09-04.htm>
8. Финансово-экономический журнал Forbes. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.forbes.ru/sobytiya-opinion/rynki/77050-kitai-i-arabskierevoljutsii> (дата обращения: 27.02.2019 г.) <https://rossaprimavera.ru/news/8b10a9fe>
9. هل يشهد 2022 توقيع اتفاقية التجارة الحرة بين الصين والتعاون الخليجي؟ الخليج الجديد الجمعة، فبراير 2022 ص 08:32
10. حسين إبيش، “السجال حول الدور العسكري الأمريكي في الخليج”، معهد دول الخليج العربية في واشنطن، واشنطن، 31 أغسطس 2021.
11. <https://www.kommersant.ru/from=logo>
12. https://www.fmprc.gov.cn/rus/wjdt/zyjh/202103/t20210310_10364143.html